
Ўзбекистон тумани прокурори “Содиқ хизматлари учун” медали билан тақдирланди

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 26 август кунги [фармони](#)га кўра Ўзбекистон тумани прокурори Назаров Мирзобедил Шухратович “Содиқ хизматлари учун” медали билан мукофотланди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги ана шундай юксак эътироф билан Мирзобедил Шухратовични самимий қутлайди.

Туман прокурорига сиҳат-саломатлик, тинчлик-тотувлик билан биргаликда, жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларимизнинг барча ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлашдек шарафли ва масъулиятли фаолиятида, туманимиз кўплаб соҳалари ривожини йўлидаги саъйи-ҳаракатларида куч-қувват ва ғайрат-шижоатлар тилаймиз.

2021-08-26 23:52:53